

1. Келишиклар тараккиёти.
2. Эски ўзбек тилида бош, караткич, тушум келишиклари.
3. Эски ўзбек тилида жўналиш, ўрин-пайт ва чикиш келишиклари.

Келишиклар гапда отнинг ёки отлашган сўзнинг феълга, баъзан бошка сўз туркумига муносабатини ифодаладиган формалардир. Эски ўзбек тилида хозирги ўзбек тилидагидек, 6 та келишик шакли сакланган. Туркий тиллар тараккиётининг кадимги даврлари учун характерли бўлган восита келишиги шакли XIII-XIV асрларга оид ёзма ёдгорликлар тилида ҳам маълум даражада қўлланган. XV аср ва ундан кейинги даврларда восита келишигининг қўлланиши анча чегараланган бўлиб, ўзининг грамматик хусусиятини йўқотган ва келишик категорияси сифатида истеъмолдан чиққан. Шу даврдан бошлаб восита келишиги шаклида қўлланган сўзлар равиш категориясига ўтган ёки ўтиш жараёнида бўлиб, пайт, холат каби маъноларни ифодалашга хизмат килади: *Ах уруб, фарйад этўр-мен сенсизин \ бу вужудимдын калыбтур йалгуз мн (Лутфий)*. Болса жаннатда Атайи сенсизин, кылгай фыган (Атойи).

Бош келишик. Одатдагидек, бу келишик махсус кўрсаткичга эга бўлмайди. Унинг асосий синтактик функцияси эга вазифасида келишидир: *Саккакий ул ай манзылына худ йэтў билмўс (Саккокий)*. Анда кўп уламалар давра алыб олтурубтурлар (Фуркат). Шу билан бирга, бош келишикдаги сўз кесим ва иккинчи даражали бўлак вазифасида ҳам келади. Караткич келишиги. Бу келишик кўшимчаси кўп вариантлидир. Негизнинг фонетик хусусиятига караб, аффикснинг махсус вариантлари кўшила беради:

-ны| \-ни|. Мазкур кўшимча хар кандай негизларга кўшила беради: *койчыны| ити (Тафсир)*. *Элчини| шахдлык захры ши:шўси... (Хамса)*. Бу кўшимча XV асргача бўлган ёдномаларда таркибида лабланмаган унлилар бўлмаган негизларга кўшилган. Кейинги даврда эса хар кандай негизга кўшилган.

-ну| \-нц|. Караткич келишигининг бу варианты охирги бўгинда лабланган унлилар катнашган негизларга кўшилади: *Расулну| сўзи (Тафсир)*. *Харунну| аклы (КР)*. *Кўзц|нц| аллыда наргис кэлиб катыг кўзлцг... (Хамса)*. Бу кўшимчанинг юкоридаги негизларга кўшилиши XV-XVI асрларгача давом этган. Шунингдек, бу конуниятдан чекиниш холлари ҳам учрайди: *Кўзни| нийати (Атойи)*, *халкну| ранжи (Тафсир)*.

-ы| \-и| \-м|. Кадимги туркий тилда ундош билан тугаган негизларга кўшиладиган бу кўшимчалар эски ўзбек тилида ҳам учрайди. Лекин унинг қўлланиши айрим сўз шаклларигагина хосдир. Бу давр ёдномаларидан мазкур кўшимча факат «Тафсир» да анча кенг қўллангандир: *ул эли| эвлўри, анлары| эвлўри*.

-м| кўшимчаси. Бу кўшимча ким олмоши билангина қўлланган: *Сен кимц| оглы-сен?* Караткич келишиги кўшимчасининг бундай вариантлари сингармонизмми туркий тилларда ва сингармонизмми ўзбек шеваларида ҳам учрайди.

Бу келишикнинг белгисиз қўлланиши эски ўзбек адабий тили учун ҳам характерли бўлган: *Мўлк икки баъгы икки алам \ Султанлыг эрмр са|а мусаллам (Хамса)*.

Тушум келишиги. Эски ўзбек адабий тилида тушум келишиги –ны| \-ни| \-н| \-ы| \-и вариантларига эга бўлган.

-ны| \-ни|. Бу аффикс ўзбек тили тараккиётининг барча даврларида қўлланиб келган: *Йолны беркитўйин, камугны куткарайын (КР)*. Бу сўзни кизлўдилўр (ТФ). Бу кўшимча «Бобирнома» асарида караткич маъносини билдирган: *Бир кыргавулны мсқнўсини тўрт*

киши йеб тугата алмайдур (БН).

-н. Бу кўшимча варианты эски ўзбек тилида анча фаол қўлланган Лекин у III шахс эгалик кўшимчасидан кейин қўшилган: Кылыч бирлў башын кести (ЎН). Исмаилны! эвин сорды (ҚР). Тушум келишигининг бу кўшимчаси шеърий асарларда кенг қўлланган.

-ы\ -и. Бу кўшимча I ва II шахс эгалик кўшимчаларидан кейин қўшилган: Адл кулагы-ла эшит халымы (Мукимий). Аклымы тамам алды тўгмўи гирибани! (Фуркат).

Тушум келишигининг белгисиз қўлланиши ҳам эски ўзбек тили учун характерлидир: Коймагумдур этўги! (Бобир). КJ|мл шўкўр бикин агзы! кJрп (Саккокий).

Тушум келишигининг қадимги туркий тилга хос бўлган –г\ -г, -ыг\ -иг\ -уг\ -мг вариантлари эски ўзбек тилида учрамайди.

Жўналиш келишиги. Бу келишик кўшимчаси эски ўзбек тилида –ка\ -га \ - кў \ -гў, –а\ -ў ва –на \ -нў каби вариантларга эга. Шу билан бирга, қадимги туркий тилга хос бўлган –гару\ -гўрм \ -кару \ -кўрм, -ра \ -рў, -ру \ -рм кўшимчалари ҳам айрим ёдномаларда учрайди.

-га\ -гў варианты унли ва жарангли ундош билан тугаган сўзларга кўшилади, –ка кўшимчаси жарангсиз ундошлар ва г, х ундошлари билан тугаган негизларга кўшилади:

Эйким бары шэър ахлыга сэн хән йа!лыг \ Шэъри! бХары шэърлўрғў султән йа!лыг (Бобир). Лāла кадахына ташка урду! \ Жāла гмхўрини башка урду! (Хамса).

XIII-XIV аср ёдгорликларида бу тартиб бузилган, яъни, -га ўрнида –ка кўшимчаси ёки аксинча қўлланаверган: Ибрахимга \ Ибрахимка, авга \ авка, отга \ отка (ҚР).

-кў \ -гў. Тил олди унлилари катнашган негизларга кўшилади. Эски ўзбек тилида кай холларда –кў, кайси холларда –гў кўшимчасининг кўшилишини аниқлаш бирмунча кийин, чунки араб ёзувида бу икки вариант ҳам (коф) харфи билан ёзилган. Шунга карамадан, жарангли ва сонор ундошлар ва унлилардан сўнг –гў, жарангсиз ундошлардан сўнг –кў кўшимчасининг қўлланини мушохада қилиш мумкин: КJ|лмгў дўрд кэлгўли... (Бобурнома). Эликкў мēни! йашым йēти (Ш. турк).

-а / -ў. Бу аффикслар ундош билан тугаган сўзларга кўшилади. Лекин унинг қўлланиши жанрлар бўйича чегараланган. Бу форма XIII- XIV шеърий асарларда ҳам, прозаик асарларда қўлланигани холда, XV аср ва ундан кейинги даврларда асосан шеърий асарларда учрайди: Башларыны кашыма йэтқмрм|мз (Шайбонийнома). Кэл, такы йурту!а эгў бол (Ш. тар.). Нэ учун аввал Jзм|ў āшнā ккылды! мēни (Отоий). Йā рабб, нэ ажаб йāри жафāкāра йолуктум \ КJзи-йу кашы жāду-ву маккара йолуктум (Лутфий). □

Қадимги туркий тилга оид бўлган –гару/-гўрм// -кару/-кўрм// -ру/-рм аффикслари эски ўзбек тилида ўзининг келишик функциясини йўқотган. Улар кейинчалик эски ўзбек тилида ҳам равиш ясовчиларга айланиб кетган.

Қадимги туркий тилга оид бўлган –ра/-рў аффикси «Тафсир» да учрайди: Йа Мухаммад, ташра чык. Бирок кейинчалик бу аффикс ҳам равиш ясовчига ўтиб кетган: ичрў (ичкари), асра (пастки, куйи).

Жўналиш келишигининг белгисиз қўлланиши ҳам эски ўзбек тили учун характерли бўлган. Мисоллар: Сенки ул йан ўзимўт этқм|дмр (Навоий). Бир инисин йибўрмр болды Хисар (Шайбонийнома).

Ўрин-пайт келишиги. Бу келишикни ҳосил қиладиган куйидаги аффикс вариантлари учрайди:

-да/-дў жарангли ундош ва унли билан тугаган сўзларга кўшилади: Кайгуда заъиф болды (ҚР). Ймзц|дў нуры тажаллы, лабы!да жавхари рух (Лутфий).

-та/-тў жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга кўшилади: Бу иштў ихтыярым йок туруп (Атоий). Танымакта мўгўр йанылмыш-сен (Навоий).

Ўрин-пайт келишигининг –та/-тў аффикси «Бобурнома»да ва айрим бошка асарларда учраса ҳам, одатда, жарангсиз ундошлардан кейин ҳам –да/-дў аффикси кўшила берган. Чикиш келишиги. Бу келишикни хосил килувчи куйидаги аффикслар мавжуд:

-дын/-дин унли ва жарангли ундош билан тугаган сўзларга кўшилади: Чарх касрыдын куйаш хар қн тмшўр āламарā (Навоий). Андыжанны! нўшбўтисидин йахшырак нўшбўти болмас (БН).

-тын/-тин жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга кўшилади: Сен баштын аяк жан-сен (Мухаббатнома), лекин жарангсиз ундошлар тугаган сўз негизларига ҳам –дын/-дин аффикси кўшила беради. Аксинча жарангли ундош билан тугаган сўзларга ҳам –тин \ -тын аффиксининг кўшилиши кайд килинади: Хожандтын Ахсыга кэлмр (Бобир).

-дан/-дўн//–тан/-тўн. Бу аффикс XV асрдан олдинги ёдгорликларда учрайди ва улар факультатив характердадир: Уч кундин сJ! зиндандан чыкардылар (КР).

Чикиш келишигининг кадимги туркий тилга оид –дун/-дин//–тун/-тун аффикслари сўзнинг охирги бўгинлари лаб унлилари билан келган негизларга кўшилади. Эски ўзбек тилида бу аффикслар факат «Ўгузнома»да учрайди: Кырк кундун сJ!, кJп токушгудун сJ!, ану! кJэм кJктун кJкрўк ерди.

Тил тарихи фактлари шуни кўрсатадики, чикиш келишиги формаси кейинги даврларда шаклланган бўлиб, унинг ўрнини маълум даврларда ўрин-пайт келишиги бажарган. Гарчанд бу хусусият кадимги туркий тилга хос бўлса ҳам, эски ўзбек адабий тилида чикиш келишиги маъносида ўрин-пайт келишиги формаси кўлланган: Башыны уч йердў йардылар(Тафсир). Бу ишлўрдў бирини ккылса!ыз (КР).

Восита келишиги. Юкорида таъкидланганидек, бу келишик кадимги туркий тилга оид бўлган ходисадир. Лекин у XIII-XIV аср ёдгорликларининг айримларида учраб туради: Фасих тилин жавāб берди (Тафсир). Аны кишилўр кJзин кJргўн бар-му?

Восита келишиги XV асрга оид манбаларда, масалан, Лутфий, Атоий асарларида ҳам учрайди. Лекин бу даврда восита келишигининг истеъмом доираси чегараланган бўлиб, маъноси ҳам торайган. Мисоллар: Фарйад этўрўм тмшкўли мэн йалгузун андын// хэч олды таным, калды хамин йалгуз мн андын (Лутфий). Кэрўкмўс сэнсизин, вааллах, ма!а жāн миннаты (Атоий).

Восита келишиги формасидаги сўзларнинг бир кисми равиш категориясига ўтган. Равиш категориясига ўтиш, асосан, пайт билдирувчи сўзлар доирасида бўлган: кышын, йазын, эртэн, кэчин, тунун каби. Бу сўзлар таркибидаги –ын,-ин,-ун,-мн,-н восита келишиги аффикси бўлиб, кейинчалик сўзнинг таркибий кисмига айланган ва бундай сўзлар равиш сифатида шаклланган.

Савол ва топшириклар:

1. Караткич келишиги кўшимчаларини сананг.
2. Жўналиш келишигининг кадимги туркий тилга хос бўлган кандай кўшимчалари мавжуд?
3. Келишик кўшимчаларининг хар бирига ёдномалардан мисоллар ёзинг.
4. Восита келишиги кандай хосил килинган?

Танч тушунчалар:

Келишик категорияси – аслида отнинг феълга тобелигини таъминлайдиган сўз формалари жами.

Сўз формаси (шакли) – лексик маъно, грамматик маъно ва уни ифодалаш усуллари йигиндиси.

Келишик кўшимчаларининг белгили-белгисиз кўлланиши – келишикнинг кўшимчага эга бўлганлигини (аслида 20-йилларда «белги» термини «кўшимча» маъносини англаган) ёки эга бўлмаганлигини билдиради.